
Бағдод туманидаги Спорт мактаби залида “Бокс” бўйича "Спорт мактаби биринчилиги" мусобақаси ўтказилди.

100 нафар спортчи ёшларни қамраб олган мусобақада қўшни туманлардан ҳам боксчи ёшлар иштирок этишди.

Ушбу мусобақани очилиш маросимида Бағдод тумани ҳокимлиги, Мудофаа ишлари бўлими, туман Спорт мактаби масъуллари иштирок этиб - Ватан ҳимоячиси бўлиш катта шараф эканлиги, ҳарбий соҳага бўлган қизиқишларни янада уйғотиш борасидаги фикрлари ва маслаҳатларини айтиб ўтишди.

Мусобақа якунида ўз вазни бўйича беллашув ғолиби бўлган ёшлар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

2025-01-15 20:02:48